

УЎК: 331.101.3(575.1)

ХУДУДИЙ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Хомитов Комилжон Зоитович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент молия институти

Авазов Аъзам Жонузикович,
мустақил изланувчи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудий саноат корхоналарида ходимлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат самарадорлигини таҳлил этишда унинг унумдорлик кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқлиги ифодаланган. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблашда саноат тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ва тармоқда банд бўлганларнинг йиллик миқдорий кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Таянч тушунчалар: корхона, қайта ишлаш саноати, самарадорлик, персонал, персонал фаолияти самарадорлиги, мезон, кўрсаткичлар таҳлили, инсон ресурслари, меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТРУДА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ПЕРЕРАБАТЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В РЕГИОНАХ

Хомитов Комилжон Зоитович,
доктор экономических наук, профессор

Ташкентский финансовый институт

Авазов Аъзам Жонузикович,
самостоятельный исследователь

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию социально-экономического механизма повышения эффективности кадровой деятельности на промышленных предприятиях региона в условиях модернизации экономики. При анализе эффективности труда на производственных предприятиях определена ее взаимосвязь с производительностью труда. При расчете показателей, необходимых для анализа производительности труда, использовались валовая добавленная стоимость по отрасли и годовые количественные показатели занятости в отрасли.

Ключевые слова: предприятие, перерабатывающая промышленность, эффективность, персонал, эффективность деятельности персонала, критерий, анализ, показатели, человеческие ресурсы, показатели эффективности труда.

ANALYSIS OF INDICATORS OF LABOR EFFICIENCY IN REGIONAL ENTERPRISES OF PROCESSING INDUSTRY

Khomitov Komiljon Zoitovich,

Doctor of Economics, Professor

Tashkent Financial Institute

Avazov Azam Jonuzoqovich,

Researcher

Tashkent State University of Economics

Annotation. *The article has developed scientifically based proposals and recommendations for improving the socio-economic mechanism for increasing the efficiency of personnel activities at industrial enterprises in the region in the context of economic modernization. When analyzing labor efficiency at manufacturing enterprises, its relationship with labor productivity has been determined. When calculating the indicators necessary for analyzing labor productivity, the gross value added for the industry and the annual quantitative indicators of employment in the industry were used.*

Keywords: *enterprise, industrial economics, efficiency, personnel, personnel efficiency, criteria, indicators, personnel system, human resources, criteria and indicators determination of personnel activity efficiency.*

Кириш

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида замонавий саноатнинг ривожланиши юқори даражадаги ихтисослашиш билан тавсифланмоқда. Натижада ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши саноат таркибида кўпчилик ишлаб чиқариш бўғинлари шаклланиши кенгайиб боришини намён этмоқда. 2018 йилда жаҳон ЯИМда саноат улуши 25,0 %, мазкур тармоқда банд бўлганлар ҳиссаси эса 23,0 %ни ташкил этди [1]. Ривожланаётган мамлакатлар ЯИМда саноат ҳиссаси ривожланган мамлакатлар ЯИМда саноат улушини оширмоқда.

Республикамизда замонавий иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган ислохотлар натижасида саноат тармоғида таркибий ўзгаришлар рўй берди. Натижада мамлакатимиз саноатининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши мунтазам ўсиб бормоқда. Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикасида «... юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий

хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш» [2] устувор вазифалар қаторига киради. Бу вазифаларни ҳал этишда саноат корхоналарида персонал фаолиятидан самарали фойдаланиш асосида меҳнатнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ҳамда амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Республикамиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни ўзида акс эттирадиган кўрсаткичлар ислохотлар стратегиясининг муваффақияти, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида эришилган ютуқларнинг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини

белгилашда соҳа ва тармоқларнинг ривожланиш даражаси ҳамда уларнинг кадрларга бўлган талабини ҳар томонлама ҳисобга олиш иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда. Шунинг учун саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг муҳим омили ҳисобланган ишчи кучидан самарали фойдаланиш келгусида стратегик ривожланишнинг муҳим омили саналади. Республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида персонал меҳнатидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаб берувчи воситалардан бири меҳнат самарадорлигини ошириш манбалари ва резервларини аниқлашдан иборатдир.

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар меҳнат йўналиши бўйича барча кўрсаткичларнинг синтези ҳисобланади. Шу сабабли меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини етарлича тадқиқ этишда ўзаро боғлиқ бўлган меҳнат кўрсаткичларини комплекс равишда таҳлил этиш зарур.

Ҳозирги кунда саноат корхоналарида персонал меҳнати самарадорлигини комплекс баҳолашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу сабабли персонал меҳнати самарадорлигини комплекс (интеграл) баҳолаш услубини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир. Меҳнат самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишда аниқлаш мезони ва кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозим.

Бизнинг фикримизча, барча моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида юқори меҳнат натижаларига эришиш меҳнат самарадорлигини оширишнинг бош мезони ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади – иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудий саноат корхоналарида персонал фаолияти самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини

такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий-тадқиқотнинг методологик асослари ва усуллари

Илмий-амалий тадқиқотнинг методологик асослари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, халқаро тажрибалар асосида ҳудудий саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат самарадорлигини таҳлил этишда унинг унумдорлик кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқлигини ифодалаш муҳим аҳамиятга эга, чунки меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичдир. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблашда саноат тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ва тармоқда банд бўлганларнинг йиллик миқдорий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Саноат тармоқлари даражасида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат миқдори тармоқда банд бўлганлар сонига нисбати орқали аниқланади:

$$W_{\text{тармоқ}} = \frac{Y_{\text{QQ}}}{N}, \quad (1)$$

бу ерда:

$W_{\text{тармоқ}}$ – саноат тармоғида меҳнат унумдорлиги даражаси;

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

YQQ – саноат тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат;

N – саноат тармоғида банд бўлганлар сони.

Саноат ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг бундай усулини қўллаш қуйидаги омиллар орқали ифодаланади: биринчидан, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнида бир неча турлари бўйича натурал кўрсаткичларнинг қўлланилиши унумдорликни ҳисоблашни мураккаблаштириб қўяди.

Иккинчидан, мамлакатимизда миллий ҳисоблар тизими тамойилларига кўра, статистик ҳисоб учун ишчи кучига сарф-харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажми каби кўрсаткичлар ўртасида муайян алоқалар йўқ. Ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги бундай алоқаларни моддий ишлаб чиқариш соҳасининг чекланган тармоқларида кузатиш мумкин.

Саноатнинг асосий тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ишчи кучи қиймати учун сарф орқали аниқланади. Қиймат (ялпи қўшилган қиймат) ва меҳнат харажатлари (меҳнат қиймати) ўртасидаги нисбат бирликка яқин бўлади. Шунинг учун кўпинча самарадорлик кўрсаткичи деярли нолга тенг. Баъзи ҳолларда эса нолдан паст бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, меҳнат унумдорлигини баҳолаш учун тармоқлар бўйича иш

билан банд бўлганлар (ишловчилар сони) статистикасидан фойдаланилади. Учинчидан, тақдим этилган тармоқ ичидаги статистикани иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари статистик кўрсаткичлари билан таққослаш учун ягона методологик асос орқали ҳамда ягона статистик баҳолаш бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларда ишловчиларнинг ўртача сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг турли даражали ва турли тармоқли кўрсаткичлари шаклланади.

Қайта ишлаш саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) кўрсаткичи қийматли кўрсаткич бўлгани учун биз дефлятор (таққослаш) усулидан фойдаландик, яъни ялпи қўшилган қиймат миқдорини таққослама кўринишга келтирамиз. Қиймат кўрсаткичларини таққослаш учун қуйидаги дефляторлардан (таққосланадиган индекслар) фойдаланамиз.

Жиззах вилоятида қайта ишлаш саноати тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил этиш учун озиқ-овқат саноати, тўқимачилик саноати ва металлургия саноатининг 2014–2018 йиллардаги ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар танлаб олинди.

1-жадвал

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (YQQ, млрд. сўм) ва иш билан бандлар сони*, (N, киши)

Йиллар	Саноат тармоқлари					
	Озиқ-овқат саноати		Тўқимачилик саноати		Металлургия саноати	
	YQQ	N	YQQ	N	YQQ	N
2014	222,7	1420	377,6	2532	9,8	250
2015	335,5	1840	499,8	2988	11,2	268
2016	601,8	2570	835,6	3916	45,4	275
2017	611,8	2580	851,1	3935	57,3	312
2018	656,8	2582	908,3	3940	113,1	480

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда таҳлил этилаётган қайта ишлаш саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (ҲҚҚ) ҳажми 2014–2018 йилларда мунтазам ўсиш тенденциясига эга. 2014–2018 йилларда ҲҚҚнинг ўсиш суръати озиқ-овқат саноатида 2,9 марта, тўқимачилик саноатида 2,4 марта, металлургия саноатида эса 11,5 мартага ошган. Шу билан бирга, вилоятнинг мазкур қайта ишлаш саноати тармоқларида иш билан бандлик ҳам мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга [3] (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларига асосланиб, қайта ишлаш саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини ҳисоблаймиз (2-жадвал). Таҳлилий маълумотларга эътиборимизни қаратсак, Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги динамикаси мунтазам равишда ўсиш тенденциясига эга. 2014–2018 йиллар мобайнида меҳнат унумдорлиги озиқ-овқат саноатида бирмунча юқори (2018 йилда 256,6 млн сўм) бўлган.

2-жадвал

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўсиш динамикаси*

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари					
	Озиқ-овқат саноати		Тўқимачилик саноати		Металлургия саноати	
	Меҳнат унумдорлиги (млн. сўм)	Ўсиш суръати, %	Меҳнат унумдорлиги (млн. сўм)	Ўсиш суръати, %	Меҳнат унумдорлиги (млн. сўм)	Ўсиш суръати, %
2014	156,8	100	149,1	100	39,2	100
2015	182,3	116,3	167,3	112,2	41,8	106,6
2016	234,2	128,4	213,4	127,5	165,1	4,0 марта
2017	237,1	101,2	216,3	101,4	183,6	111,2
2018	254,4	107,3	230,5	106,6	235,6	128,3

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Таъкидлаш керакки, 2014–2018 йилларда таҳлил этилаётган қайта ишлаш саноати тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўсиши 2016–2018 йилларда юқори суръатларда бўлса, 2017 йилда ўтган йилга нисбатан пасайган. Фақатгина меҳнат унумдорлигининг нисбатан юқори ўсиш суръати металлургия саноатида (2017 йилда 4,0 марта) кузатилган. Таҳлил этилаётган қайта ишлаш саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги тўлқинсимон ўсиш тенденциясига эга бўлган (2-жадвал).

Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида меҳнат унумдорлиги техника ва технологияларнинг такомиллашиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг оптималлашиши, ишчи-ходимлар малакасининг ошиши, фан-техника тараққиётининг жадал-

лашиши натижасида чекланмаган миқдорда ошиб бориши мумкин.

Ҳозирги вақтда меҳнат унумдорлигининг янги концепцияси харажатларни камайтиришга асосланган, вақт жиҳатидан муттасил кенгайиб борадиган энг самарали ва битмас-туганмас имкониятларга эга бўлган ресурслар тежамкорлигининг айнан ўзи бўлмай, балки истеъмолда иштирок этувчи инсоннинг ўзини ривожлантиришидаги сифат силжишларидан иборат эканлигини назарда тутиш лозим. Ушбу концепцияни рўёбга чиқариш ишлаб чиқаришнинг муҳимлиги бўйича даражалаштирилган истиқболли ижтимоий эҳтиёжларга қаратишни тақозо этади. Меҳнат унумдорлиги ошиши ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) динамикасини белгилаш билан бирга, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш тамойилларига жавоб беради ва бу билан бозор

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

иқтисодиёти шароитида бошқарув жараёнининг натижалар мезони бўлиб хизмат қилади. Меҳнат унумдорлиги ўсишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш пропорциялари ва уларнинг бозордаги мувозанат шартларига мувофиқлигини назорат қилиш имконини беради. Меҳнат унумдорлигининг ошиши иқтисодиётда инфляция тамойилларини сусайтириш воситаси, шунингдек, ижтимоий ривож-

ланиш ва аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришнинг асосий манбаидир [4].

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш жараёнида асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган тармоқда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилига эътиборимизни қаратамиз.

3-жадвал

Жиззах вилоятида қайта ишлаш саноати тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати* (йил бошига, млрд сўм)

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари		
	Озиқ-овқат саноати	Тўқимачилик саноати	Металлургия саноати
2014	122,3	207,6	9,6
2015	165,2	279,8	10,2
2016	248,6	509,7	39,8
2017	251,7	536,1	44,2
2018	260,6	547,6	83,1

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ишлаб чиқариш корхоналарида фондлар қайтими кўрсаткичини таҳлил қилиш учун қуйидаги статистик маълумотлардан фойдаланилди (қаранг: 3-жадвал): қайта ишлаш саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ҳамда жами асосий фондлар қиймати (йил бошига).

Вилоятнинг қайта ишлаш саноати тармоқлари (озиқ-овқат саноати, тўқимачилик саноати, металлургия саноати)да янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ускуналарни модернизациялаш асосида асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Таҳлилий маълумотларга кўра, 2014–2018 йилларда асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати озиқ-овқат саноатида ўсиш – 2,13 марта, тўқимачилик саноатида – 2,64 марта, металлургия саноатида – 8,65 мартага ошган.

Қайта ишлаш саноати тармоқлари бўйича фондлар қайтимини ҳисоблаш

тармоқларда яратилган ялпи қўшилган қийматни шу тармоқлар асосий ишлаб чиқариш фондларига нисбати билан аниқланади.

$$FQ_{\text{тармоқ}} = \frac{YQQ}{AIF}, \quad (2)$$

бу ерда: $FQ_{\text{тармоқ}}$ – қайта ишлаш саноати тармоқларида фондлар қайтими;

YQQ – қайта ишлаш саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат;

AIF – йил бошида қайта ишлаш саноати тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг тўлиқ қиймати.

Саноат корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда озиқ-овқат саноатида фондлар қайтими фондлар билан қуролланиш кўрсаткичи ўсиш даражасига нисбатан юқори суръатларда ўсиб борган бўлса, тўқимачилик ва металлургия саноатида бунинг акси бўлган (4-жадвал).

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

4-жадвал

Жиззах вилоятида қайта ишлаш саноати тармоқларида фондлар қайтими (FQ) ва фондлар билан қуролланиш даражаси (FBQ)*

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари					
	Озиқ-овқат саноати		Тўқимачилик саноати		Металлургия саноати	
	FQ (сўм)	FBQ (млн сўм)	FQ (сўм)	FBQ (млн сўм)	FQ (сўм)	FBQ (млн сўм)
2014	1,82	86,1	1,80	82,0	1,02	38,4
2015	2,03	89,8	1,79	93,6	1,09	38,1
2016	2,42	96,7	1,64	130,2	1,14	144,7
2017	2,43	97,6	1,59	136,2	1,29	141,7
2018	2,52	100,9	1,66	139,0	1,36	173,1

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Таҳлил этилаётган тармоқларда юқоридаги кўрсаткичларни таққослаш учун дастлаб фондлар билан қуролланиш ва унинг ўсиш даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш зарур. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фондлар билан қуролланиш қиймати тармоқда банд бўлган ишловчилар сонига бўлиш орқали амалга оширилади.

$$FBQ = \frac{AIF}{N}, \quad (3)$$

бу ерда:

FBQ – қайта ишлаш саноати тармоқларида фондлар билан қуролланиш даражаси;

N – қайта ишлаш саноати тармоқларида банд бўлганлар сони.

Маълумки, фондлар билан қуролланиш даражасининг фондлар қайтими

ўсишига нисбатан паст суръатларда ўсиб бориши фондлардан фойдаланиш самардорлиги ошишига олиб келади.

5-жадвал маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, вилоят озиқ-овқат саноати тармоғида таҳлил этилаётган йилларда асосий фондлардан фойдаланиш самарали бўлган, чунки фондлар билан қуролланишнинг ўсиш даражаси фондлар қийматининг ўсиш даражасидан юқори бўлмаган. Лекин таҳлил этилаётган йиллар ичида фондлар билан қуролланиш ва фондлар қайтимининг ўсиш суръатлари 2016–2018 йилларда мутаносиб равишда пастроқ суръатларда ўсиб борган. Бу эса тармоқда фондлардан фойдаланиш самардорлиги пасайишини ифодалайди. Бундай хулосани тўқимачилик саноатида ҳам кузатишимиз мумкин.

5-жадвал

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида фондлар қайтими (FQ) ва фондлар билан қуролланишнинг (FBQ) ўсиш суръати*, (%)

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари					
	Озиқ-овқат саноати		Тўқимачилик саноати		Металлургия саноати	
	FQ	FBQ	FQ	FBQ	FQ	FBQ
2014	100	100	100	100	100	100
2015	111,5	104,3	99,4	114,1	106,9	99,2
2016	119,2	107,7	91,6	139,1	104,6	3,8 марта
2017	100,4	100,9	96,9	104,6	113,1	97,9
2018	103,7	103,4	104,4	102,1	105,4	122,3

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаси шундан далолат берадики, саноат тармоқлари корхо-

налари фаолиятининг самардорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши ишлаб чиқариш хусусиятлари ва шарт-шароитларига

боғлиқ бўлиб, бир қатор омиллар таъсири билан белгиланади. Шунга кўра, биз ҳудудий даражада қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг омилли таҳлилини амалга оширамиз. Бунда асосий мақсад иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларини ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий ўсишига таъсирини аниқлаш ҳисобланади. Мазкур омилли таҳлил жараёнида экстенсив ва интенсив омилларни индекс таққослаш усули орқали иқтисодий ўсиш аниқланади. Қуйида иқтисодий ўсиш динамикасининг умумий индекси формуласи келтирилган:

$$I_r = \frac{I_{mu} \times I_{fq}}{I_n \times I_{af}}, \quad (4)$$

бу ерда: I_r – иқтисодий ўсишнинг умумий индекси;

I_{mu} – меҳнат унумдорлиги индекси;

I_{fq} – фондлар қайтими индекси;

I_{af} – асосий фондлар индекси;

I_n – соҳада банд бўлганлар индекси.

Меҳнат унумдорлиги индекси (I_{mu}) бир соатдаги (I_s), кунлик (I_k), йиллик (I_y) меҳнат унумдорликлари индекслари иш вақти индексига боғлиқдир ва қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{mu} = I_y \times I_d, \quad (5)$$

$$I_y = I_{mu} \times I_{ik} \text{ ёки } I_y = I_s \times I_d \times I_{ik}, \quad (6)$$

бу ерда: I_{mu} – кунлик меҳнат унумдорлиги индекси;

I_y – йиллик меҳнат унумдорлиги индекси;

$$I_{af} = \frac{\sum AF_{xdq} - \sum AF_{xchq}}{\sum AF_{xdq}} \cdot \frac{\sum AF_{bdq} - \sum AF_{bchq}}{\sum AF_{bdq}}, \quad (9)$$

бу ерда: $\sum AF_{xdq}$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилидаги дастлабки қиймати суммаси;

$\sum AF_{xchq}$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилида чиқиб кетган қисми қиймати;

I_s – бир соатдаги меҳнат унумдорлиги индекси;

I_d – иш вақтининг ҳақиқатдаги давомийлиги индекси;

I_{ik} – муайян йилдаги ўртача рўйхатда бир ишчига тўғри келадиган ишлаган иш кунлари сони индекси.

Шунга кўра, аниқ ҳолда меҳнат унумдорлиги индекси иш вақти сарфи индексига тескари бўлиб, қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{mu} = \frac{\sum q_1 t_0}{\sum q_1 t_1}, \quad (7)$$

бу ерда: q_1 – бир ўлчов бирлигига мувофиқ ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

t_1 ва t_0 – маҳсулот бирлигига базис ва ҳисобот даврларидаги иш вақти сарфлари.

Фондлар қайтими индекси I_{fq} қуйидаги кўрсаткич асосида ҳисобланади:

$$I_{fq} = \frac{\sum P_{2i} \times L_i}{F_2} : \frac{\sum P_{1i} \times L_i}{F_1}, \quad (8)$$

бу ерда: P_{2i} ва P_{1i} – базис ва таҳлил этилаётган даврларга мувофиқ i – муддатга натурал кўрсаткичга ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

L_i – i – турдаги маҳсулот бирлигига нарх;

F_1 ва F_2 – базис ва таҳлил этилаётган даврларга асосий фондлар ўрта йиллик қиймати.

Асосий фондлар индекси (I_{af}) қуйидаги формулалар асосида ҳисобланади:

$\sum AF_{bdq}$ – асосий фондларнинг базис йилидаги дастлабки қиймати суммаси;

$\sum AF_{bchq}$ – асосий фондларнинг базис йилида чиқиб кетган қисми қиймати.

Тармоқда банд бўлганлар сони индекси (I_n) муайян давр боши ва охирида

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

ишчилар сони ўзгариши билан аниқланади ҳамда қуйидагича ҳисобланади:

$$I_n = \frac{N_o + N_q - N_b}{N_o}$$

бу ерда: N_o – муайян давр бошида ишчилар сони, (киши);

N_q – шу даврда янги ишга қабул қилинганлар сони, (киши);

N_b – муайян даврда турли сабабларга кўра ишдан бўшатирилган ишчилар сони, (киши).

Агар $I_n > 1$ бўлса, у ҳолда ўсиш нисбатан интенсив, агар $I_n < 1$ бўлса, у ҳолда нисбатан экстенсив иқтисодий ўсиш бўлишини кузатиш мумкин.

6-жадвал

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги (I_{mu}) ва фондлар қайтими (I_{fq}) даражаси индекслари*

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари					
	Озиқ-овқат саноати		Тўқимачилик саноати		Металлургия саноати	
	I_{mu}	I_{fq}	I_{mu}	I_{fq}	I_{mu}	I_{fq}
2014	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00
2015	1,16	1,11	1,12	0,99	1,07	1,07
2016	1,28	1,19	1,27	0,92	4,00	1,05
2017	1,01	1,01	1,01	0,97	1,11	1,13
2018	1,07	1,04	1,07	1,04	1,28	1,05

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқлари (озиқ-овқат саноати, тўқимачилик саноати, металлургия саноати) иқтисодий ўсишининг умумий индекси, яъни меҳнат унумдорлиги,

фондлар қайтими, банд бўлган ишловчилар ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда иқтисодий секторлари бўйича иқтисодий ўсиш динамикаси ишлаб чиқилди (6-7-8-жадваллар).

7-жадвал

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида банд бўлганлар сони (I_n) ва асосий фондлар (I_{af}) динамикаси индекслари*

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари					
	Озиқ-овқат саноати		Тўқимачилик саноати		Металлургия саноати	
	I_n	I_{af}	I_n	I_{af}	I_n	I_{af}
2014	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00	1,00
2015	1,29	1,35	1,18	1,35	1,07	1,06
2016	1,40	1,50	1,31	1,82	1,03	3,90
2017	1,01	1,01	1,01	1,05	1,13	1,11
2018	1,00	1,04	1,00	1,02	1,54	1,88

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ушбу жадваллардан кўриниб турибдики, озиқ-овқат саноати ва тўқимачилик саноати тараққиётидан фарқли равишда, металлургия саноатида интенсив омиллар (меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими) таъсири бирмунча юқори-роқ. Шунингдек, қайта ишлаш саноати

тармоқларида банд бўлганлар сони (I_n) ва асосий фондлар (I_{af}) динамикаси индекслари 1,0 коэффициентдан нисбатан юқори эканлиги экстенсив омиллар таъсири устунлигини ифодалайди.

Вилоятда бозор муносабатлари ривожланишининг дасталабки йилларида

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар ҳисобига эришилган (яъни шу соҳада банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари миқдори). Шунинг учун ҳам вилоят қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари таъсирини даражаларига қараб таҳлил этиш ҳамда баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг умумий индексини аниқлашда меҳнат унумдорлиги динамикаси, фондлар қайтими, банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда қайта ишлаш саноати тармоқларининг иқтисодий ўсиш динамикаси ҳисоблаб чиқилди ва улар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Жиззах вилояти қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси*

Йиллар	Қайта ишлаш саноати тармоқлари		
	Озиқ-овқат саноати	Тўқимачилик саноати	Металлургия саноати
2015	0,71	0,65	0,64
2016	0,73	0,49	1,05
2017	1,00	0,92	1,00
2018	1,07	1,09	0,46

Манба: Муаллиф томонидан Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

8-жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, Жиззах вилоятида қайта ишлашнинг озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатларида фақатгина 2018 йилда иқтисодий ўсиш, асосан, интенсив омиллар ($I_k > 1$) ўзгариши ҳисобига эришилган, яъни меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими индекслари ўсиши юзага келган. Қолган йилларда эса мазкур тармоқларда иқтисодий ўсишга интенсив омилнинг таъсири анча кам бўлган. Шунингдек, металлургия саноатида ҳам иқтисодий ўсиш динамикасида (2016 йилдан ташқари) экстенсив омиллар ҳиссаси юқори бўлган.

Бу эса, асосан, кейинги даврларда қайта ишлаш саноати тармоқларида экстенсив омиллар таъсирининг ўзгариши ҳисобига ўсиш бўлганлигини ифодалайди. Жумладан, тармоқда банд бўлганлар ва мазкур тармоқларда асосий фондлар қиймати ошиши экстенсив ўсиш тенденциясига тўғри мутаносибликда таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган илмий-амалий тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва тавсияномалар олинди:

1. Қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсишга, асосан, унумдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳисобига эришиш муайян вақт ўтиб бориши билан тобора юқорида натижа бериб боради. Ўз навбатида, қайта ишлаш саноати тармоқларида унумдорлик кўрсаткичлари аҳамиятининг ўсиши ва ҳисобланиши ўз долзарблигини оширади. Чунки ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий самардорликка экстенсив омиллар таъсири нисбатан пасайиб бориш тенденциясига эга.

2. Худудий даражада қайта ишлаш саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими кўрсаткичлари асосида иқтисодий ўсишнинг интенсив, тармоқда бандлар ва асосий фондлар кўрсаткичлари бўйича экстенсив омилларини индекс таққослаш усули орқали иқтисодий ўсиш динамикасини интеграл баҳолаш методикаси такомиллаш-

тирилди. Мазкур методикага кўра, қайта ишлаш саноати тармоқларида умумий иқтисодий ўсиш индекси 1,07 коэффициентга ошишига эришилган.

3. Саноат корхоналарида барча ресурслар ичида персонал таркибини ташкил этувчи меҳнат ресурсларининг аҳамияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки саноат корхонасининг мақсади, фаолият натижалари меҳнат ресурсларининг бир-

галикдаги фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

4. Шунга кўра, саноат корхоналарида персонал фаолиятидан интенсив фойдаланиш, ишчи кучи сифат таркибини такомиллаштириш ҳамда ишчи-ходимларнинг ижтимоий ва касбий фаоллигини самарали бошқариш билан боғлиқ омиллар ўзига хос белгилари бўйича гуруҳларга ажратилиб таснифланди.

Манба ва адабиётлар

1. . [Electronic Resource]. – Access mode: <https://bcs-express.ru/novosti-i-analitika/kakoi-vklad-vnosit-promyshlennost-v-ekonomiku-otdel-nykh-stran-mira/>.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони [Электрон манба]. – Кириш режими: <https://www.lex.uz/>.

3. Жиззах вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари (2014–2018 йиллар).

4. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Дарслик. – Т.: МЕННАТ, 2009. – 315-316-б.

Тақризчи:

Кузиев Н.И, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” кафедраси мудири, Тошкент молия институти.